



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## THE ESTABLISHMENT OF SUFIS AND PHILOSOPHICAL DOCTRINE IN CENTRAL ASIA

**Salimjon Evatov**

*Senior Lecturer, PhD*

*Fergana State University*

*Fergana, Uzbekistan*

**Mustafo Uktamov**

*Student*

*Fergana State University*

*Fergana, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** mysticism, Islam, religion, justice, philosophy, man.

**Received:** 25.02.22

**Accepted:** 05.03.22

**Published:** 16.03.22

**Abstract:** The mystical-philosophical doctrines of Central Asia are not just a general term, but include the study of certain issues in the universe and man, nature and society within the circle of philosophy and mysticism, as well as problem analysis and methodology. This article examines the mystical and philosophical teachings in Central Asia.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

**Салимжон Эватов**

*Катта ўқитувчи, PhD*

*Фарғона Давлат Университети*

*Фарғона, Ўзбекистон*

**Мустафо Ўқтамов**

*Талаба*

*Фарғона Давлат Университети*

*Фарғона, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** тасаввуф, ислом дини, дин, адолат, фалсафа, инсон.

**Аннотация:** Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотлар шунчаки бир йўналишнинг умумий хусусиятини англатувчи ибора бўлиб қолмай, бу таълимотлар олам ва одам, табиат ва жамиятдаги маълум бир масалаларни фалсафа ва тасаввуф доирасида тадқиқотлар олиб боришни, шунингдек, муаммо таҳлили ва методологиясини қамраб олади.

Ушбу мақолада Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг вужудга келиши тадқиқ этилган.

## ВОЗНИКНОВЕНИЕ МИСТИЧЕСКИХ И ФИЛОСОФСКИХ УЧЕНИЙ В СРЕДНЕЙ АЗИИ

**Салимжон Эватов**

*Старший преподаватель, PhD*

*Ферганский Государственный Университет*

*Фергана, Узбекистан*

**Мустафо Уктамов**

*Студент*

*Ферганский Государственный Университет*

*Фергана, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** мистика, ислам, религия, справедливость, философия, человек.

**Аннотация:** Мистико-философские учения Центральной Азии представляют собой не просто общий термин, а включают в себя изучение отдельных вопросов мироздания и человека, природы и общества в кругу философии и мистицизма, а также проблемный анализ и методологию. В данной статье рассматриваются мистические и философские учения в Средней Азии.

### КИРИШ

Тасаввуфий-фалсафий таълимотлар икки ўртадаги аниқ чегараларнинг йўқолиши ва аста-секин уйғунлашиб кетиш натижасида ҳосил бўлган ғоялардир. Бу таълимотлар Марказий Осиёда зоҳидлик даври (VIII-IX асрлар)даёқ ақидавий-фалсафий оқимлар ва мутакаллимлар ўртасидаги ғоявий кураш ёки вужуди вожиб ва вужуди мумкин таълимотлари борасидаги тортишувлар натижасида ҳосил бўлди.

Марказий Осиё тасаввуфи ҳанафий мазҳаби асосида шаклланди ва минтақадаги фақих, муҳаддис ва калом илми уламолари бир пайтнинг ўзида зоҳид бўлганликлари ҳақидаги маълумотлар манбаларда келтирилганлигини ҳисобга олсак, тасаввуфда бу ғоялар бевосита шаклланган, деган хуносага келишимиз мумкин бўлади.

Марказий Осиё ҳалқлари маънавияти, маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти анъаналарини англашда исломий билимларнинг ўрни ҳамда аҳамияти бекиёс саналади. Бу масалада, айниқса, тасаввуф моҳиятини билмасдан туриб Шарқона ижтимоий тараққиётнинг сифат ўзгаришларини билиб бўлмайди. Ислом тасаввуфи ўз тарихи, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнига эга бўлиб, унинг ривожланишига оид тарихий-маданий асослар ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

VII асрда Арабистон ярим оролида пайдо бўлиб, тез орада бошқа ҳудудларга тарқаган ислом дини инсоният маданий тараққиётида кескин бурилишга сабаб бўлди. У неча асрлардан буён жаҳолат тузуми ҳукмрон бўлган жамият олдига янгича ахлоқ мезонларини қўйди. Сўфийлик ислом анъаналари негизида юксак инсоний фазилатларни ўзида акс эттирган бир йўналиш сифатида пайдо бўлди. Сўфийлик йўли ўзлигини дунёнинг ўткинчи ҳою-хаваслари, дабдаларидан устун қўйиш билан бир қаторда, ўз “нафс”ларини барча нарсалардан хор тутиб, унга қарши курашиб, охир оқибат уни енгиб чиқишига интилиш ҳаракати сифатида намоён бўлди. Кейинги даврларда тасаввуф фалсафий жиҳатдан бирмунча такомиллашиб, комил инсонни шакллантирувчи муайян босқичларни ўз ичига олувчи назарий фаолият сифатида тизимлашди.

Тасаввуф тарихий ривожланиш йўлида бир неча даврларни босиб ўтди. Тадқиқотчилар бу жараённи даврлаштиришнинг турлича таснифларини кўрсатишган бўлса-да, халигача даврлаштиришнинг аниқ варианти тўғрисида охирги тўхтамга келинмаган. У. Туар, К. Йилмаз каби турк тасаввуфшунослари уни қуидагича: 1. Зуҳд даври (VII-VIII), 2. Тасаввуф даври (IX-X), 3. Тариқатлар даври (XI асрдан кейин)га бўлганлар[1]. О.Акимушкин эса буни қуидагича даврлаштиради: 1. IX-X асрлар. Тариқатнинг ҳол ва мақом билан боғлиқ даври, 2. X-XII асрлар. Муршид ва мурид мактаби анъаналари шаклланган давр. 3. XII аср охири. Инглиз олими Ж. С. Тримингэм эса қуидагича даврлаштирган: 1. Хонақоҳ даври (X-XII асрлар), 2. Тариқа даври (XIII-XIV асрлар), Тоифа даври (XV аср)[2]. Эронлик олим Р. Биринжкор эса тарихий ривожланиш таснифини қуидагича келтиради: 1. Зуҳд даври (VII-VIII асрлар), 2. Хонақоҳлар даври (VIII аср ўрталари - IX аср бошлари), 3. Ирфоннинг шаклланиш даври (IX-XIII асрлар), 4. Назарий Ирфон даври (XIII-XIV асрлар), Сўнгги давр (XV асрдан сўнг)[3]. Тадқиқотчи К. Раҳимов ўзбек тасаввуфшунос олимлари хулосаларига таянган ҳолда Марказий Осиё тасаввуфи тарихини қуидагича даврлаштиради: 1. VIII-IX асрлар зоҳидлик даври. 2. IX-XI асрлар сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври. 3. XII асрдан кейин сўфийлик тариқатлари даври.

Тасаввуфнинг бош ғояси – Жаноби Ҳақнинг розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилмоқ, яъни Оллоҳ ва унинг Расули хулқи билан ахлоқланишдир. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф: “Тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш ҳиссига олиб

боради”[4], - деб ёзди. Турк тасаввуфшуноси Алтинташ Ҳайрани ўзининг “Тасаввуф тарихи” асарида тасаввуф ҳақида тушунча бериб, у ҳақиқат тўғрисидаги энг асосли жавоб берадиган илм эканлигини таъкидлайди[5]. Профессор Ҳ. Саломова “Тасаввуфда комил инсон ёхуд руҳий меъёрнинг моҳияти ва мезонлари” номли мақоласида тасаввуф ҳақида бир неча таърифларни келтиради: “Тасаввуф – Ҳақнинг сендаги “Сен”ни ўлдирилиши ва Ўзининг наздида тирилтиришидир (Жунайд Бағдодий)”, “Тасаввуф – ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишишдир (Ибн Арабий)”, “Тасаввуф – қалбни фақатгина Оллоҳга йўналтириб, мосуво – Оллоҳдан бошқа барча нарсалардан буткул алоқани узишдир (Имом Фаззолий)”[6].

Юкорида кўриб ўтганимиздек, тасаввуфнинг таърифлари жуда кўп бўлиб, баъзилар тасаввуф таърифлари сонини тасаввуфчилар сонига нисбат беради. Бу ҳолат тасаввуфни ҳар бир амалиётчи умумий қоидалар асосида ўзига хос тажриба қилишидан дарак беради.

Тасаввуфнинг шаклланиш илдизлари ҳақидаги фикрлар ҳам хилма-хилдир. Уларни икки гурухга ажратиш мумкин: биринчи гурух – араб, турк ва ўзбек тадқиқотчилари бўлиб, улар сўфийликни фақат исломий илдизларга бориб тақалишини таъкидлайдилар[7]. Иккинчи – Ғарб ва эронлик олимлар гурухи тасаввуфда исломдан бошқа дин ва маданиятлар – буддавийлик, зардўштийлик, яхудийлик, христианлик, монийлик, баъзи маҳаллий эътиқодлар ва қадимги юонон фалсафий таълимотлари илдизларини кўрадилар[8]. Ибн Халдун – “Муқаддима” асарида тасаввуф илми ҳақида аниқ-равшан маълумот берган: “Бу илм, ислом жамиятида пайдо бўлган шаръий илмлардандир. Унинг асли будир: тасаввуф аҳлининг йўли, саҳоба ва тобеиндан бўлган салафлар назарида ҳақ ва ҳидоят йўли эди”[9]. Инглиз шарқшуноси Ж. С. Тримингэм тасаввуфнинг исломий илдизларга бориб тақалишини рад этиб, “Тасаввуф мусулмон манбаларидан деярли ҳеч нарса олмасдан, ислом ичида ривожланди, шу билан бирга шарқий христианликнинг аскетик ва мистик амалиёти ҳамда фалсафасини ўзлаштириди”[10], дейди. Инглиз тасаввуфшунос олими Рейнолд Никольсон, сўфийлик ҳаракати исломдан олдинги даврда ҳам мавжуд бўлган, деган фикрни илгари сурган. Иқтисодий оғир ҳаёт ва носоғлом турмуш тарзи - дарвешлик ва аскетик ҳаёт тарзини шакллантиради. Кейинчалик ислом динининг шаклланиши ва кенг минтақага тарқалиши натижасида бундай ҳаракат тизимлаштирилган, назарий жиҳатдан сайқалланган ва тартибга солинган[11]. Тасаввуф таълимотининг вужудга келиш даври илк ислом даврига тўғри келса-да, – дейди Бертельс, унинг тўлиқ шаклланиш даври яхлит таълимот сифатида XIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий, диний-ирфоний гоя ва

таълимотлар замирида шаклланди ҳамда қарор топди. Бу даврда оташпастлик, буддавийлик, қадимги юонон фалсафаси ва христианликдаги диний ғоялар таъсирида шаклланган тасаввуфнинг яхлит таълимот сифатида ривожланиши ислом таълимоти ва ғоялари билан уйғунлашиши заруриятга айланди, яъни, ислом таълимоти асосида тасаввуф ўз ақидаларини шакллантириб, тартибга солиб, IX-X асрларда яхлит таълимотга айланди[12].

Тасаввуф илмининг пайдо бўлишини ислом негизларида кўрувчилар унинг шаклланиш тарихини Пайғамбар (с.а.в) давридан бошланганлигини таъкидлайдилар. Сўфийлар саҳобаларни дастлабки сўфийлар бўлган деган фикрни илгари суришган ва ўз силсилаларини Пайғамбар (с.а.в)гача боғлайдилар. “Мақомоти Хожа Юсуф Хамадоний” асарида Абдухолик Ғиждувоний ўз силсиласини Муҳаммад (с.а.в.)дан етти восита орқали етиб келганлигини ва бу силсилада у тўққизинчи ҳалқа пири эканлигини ёзиб қолдирган[13]. Лекин баъзи тадқиқотчилар тасаввуф айнан пайғамбар (с.а.в) давридан эмас, кейинроқ бошланганлигини таъкидлашади. Улар ўз қарашларида Пайғамбар ва саҳобалар ҳаёти ҳар доим сўфийлар учун бош ўрнак бўлганлигини инкор этмаган ҳолда пайғамбар (с.а.в) ва саҳобалар даврида тасаввуф тушунчасининг ўзи мавжуд бўлмаганлигини эслатиб ўтишади[14]. Шунингдек, араб олими Абдулқодир Исо, тасавуфшунос Иброҳим Ҳаққул ва Ғарб шарқшуносларидан А. Кнышлар ҳам бу қарашни тасдиқлайдилар. Улар пайғамбар (с.а.в) замони шундок ҳам тақводор, Оллоҳга ўзларини тўлалигича бағишилаган инсонлар даври бўлганлигини, илк даврларда ислом илмлари яхлит бўлиб, тафсир, фикҳ, калом каби йўналишларга бўлинмагани ҳамда тасаввуфнинг асоси бўлган зоҳидлик ҳаракати ислом билан бир пайтда вужудга келган бўлса-да, ҳақиқий маънодаги сўфийлик кейинроқ шаклланганлиги ҳақидаги фикрлари билан ўз қарашларини исботлашга уринишган[15].

Ислом дини Марказий Осиёга кириб келганда бу ерлардаги юксак ривожланган цивилизация билан тўқнаш келди. Бу маданиятга қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Парфия, Эрон, Хитой ва бошқа маҳаллий маданиятларнинг ўзаро синтезлашуви муҳим омил бўлган. Чунки, Марказий Осиё шарқдан Хитой ва Ҳиндистон, ғарбдан Кичик Осиё ва Европагача бўлган худудларни боғловчи кўприк бўлиб, қўшни давлатларнинг илм-фан ва маданий ютуқларидан баҳраманд бўлган. Хоразмда қадимдан давлатчилик анъаналари шаклланган бўлиб, у ўзининг қадимий маданий илдизларига эга бўлган. Араблар кириб келишига қадар минтақада хоразм, сўғд, шунингдек, ўрхун ёзувлари мавжуд эди. IX асрда минтақадаги аниқ фанлар ривожи Хоразм, Сўғд, Марғиёна ва Бақтрия каби иқтисодий

ривожланган ҳудудлардаги мавжуд миллий анъаналар асосида тараққий топган[16]. Ҳудуддаги илмий билимлар ислом маданияти билан қўшилиши натижасида янада ривожланди.

Юқоридаги омилларнинг барчаси Марказий Осиёга ислом кириб келгандан сўнг тез фурсатда буюк алломаларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх каби шаҳарлардаги маданий ривожланиш натижасида Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Ироқ, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Машъар Балхий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Абу Бакр Розий, Яҳё ибн Мансур каби алломалар етишиб чиқди ва илмий билимлар ривожига ўз ҳиссаларини кўшдилар.

Марказий Осиё ҳалқлари қисқа вақт ичида кўплаб алломалар етиштириб берганини Фозила Сулаймонмова икки сабаб билан изоҳлайди. Биринчидан, қадимдан бошлаб зардуштийлик дини асосида яшаб келаётган ҳалқлар юонон босқинини бошидан ўтказган ва эллинизм даврида юонон маданияти кенг тарқалган бўлиб, улар бу маданият билан араблардан олдин ҳам таниш эди, деган хуносага келса, иккинчи томондан, араблар келгунига қадар Марказий Осиёда йирик маданий марказлар, айниқса, Хоразм маданиятининг мавжуд бўлганлигига эътиборни қаратган[17].

Ислом дини дунёвий илмларни ўрганишни ман этмаган, балки уларга муқобил равишда ислом илмларининг моҳияттан теранлигини исботлашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқишига ҳаракат қилган. Сўфийлар исломий анъаналар доирасидаги бу ғояларга янгича талқин қўшиш билан бирга улардаги баъзи ғоялар ақидавий оқимларга қарши муқобил исломий ғоя сифатида шаклланди. Айниқса, икки ўртада баҳслар келтириб чиқарган ғоялардан бири – тақдир масаласидир. Оят ва ҳадисларда қазои қадар ишларида зоҳир ансонни мажбурлаш ва танлаш эркинлигининг берилганлиги ҳақидаги маънолар мавжудлиги кўпгина оқимларга бу мавзуларда ўз қарашларини ифодалашга имкон яратди. Масалан, бу оқимларнинг тақдир ҳақидаги қарашларига қарши ўлароқ тасаввуфда “ризо” ғояси шаклланди. Бу ғоя VIII аср охирларида ё Марказий Осиё зоҳидларидан бири бўлган Фузайл ибн Иёзнинг тасаввуфий қарашларида кўзга ташланади[18].

Хасан Басрийнинг “Мўъмин киши яхши кунга ҳам, ёмон кунга ҳам рози бўлиш билан бирга унга яхшилик етиши” ҳақидаги сўзлари дастлаб ризо ғоясининг шаклланишига, кейинчалик мутакаллимларнинг муҳим назарияларидан бири “Салоҳ ва Аслаҳ” (Эзгу ва эзгулироқ) ғоясининг шаклланишига олиб келди[19]. Бу ғоя маҳлукот устидаги илоҳий иноят фикрига асосланган бўлиб, Қуръоннинг бир неча оятлари далил

сифатида келтирилади. Ризо ғояси кейинчалик тасаввуф адабиётида ҳам ўзига хос гўзал тарзда талқин қилинган. Бундан ташқари, таваккул ғояси ҳам тақдир, касб масаласидаги турли хил фалсафий қарашларга қарши ислом вариантини илгари сурган. Таваккул (ар. “вакил қилиш”) тушунчаси тасаввуфда банда тақдирида юз берадиган барча яхшию ёмон ишларни Оллоҳдан деб билиб, Оллоҳ ёзган тақдирига рози бўлган ҳолда ўз тақдири хукмини Худога топширишдир[20].

Бундай тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг Марказий Осиёда шаклланишида Яқин Шарқ ўлкалари ва Эрон тасаввуфий мұхитининг таъсири бўлиши мумкинлигини суфийлар ўртасидаги маданий алоқалар мавжуд бўлганлигидан билишимиз мумкин. Масалан, Бухоро зоҳидлик мактаби намояндаси Исо ибн Мусо Ғунжор (ваф. 801) илм талабида Ироқ, Ҳижоз, Миср, Куфага сафар қилган ва у ердаги тасаввуф намояндаларидан сабоқ олган[21]. Бухоролик суфий Абу Абдуллоҳ Ҳошид ибн Абдуллоҳ (ваф.860) эса Марказий Осиё тасаввуфига Яқин Шарқ, хусусан, Шом, Ироқ мұхитини олиб келганлиги айтилади[22]. Бундан ташқари, “Ал-Ансоб”да Бухорога келган икки эронлик зоҳид: Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Бакр ал-Жоварсоний (ваф.873 й. )[23] ва Абу Бақр Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий (IX аср) ҳақида маълумот берилган. “Рисолаи Қушайрия”да ҳам Марказий Осиё зоҳидларининг илм олиш мақсадида кўпгина шаҳарларга борганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу маданий алоқалар Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишига маълум маънода таъсир кўрсатган бўлса-да, бу худуд тасаввуфий ғоялари ҳанафийлик мазҳаби таъсирида ўз ифодасини топган.

## ХУЛОСА

Хулоса қилганда, Марказий Осиёда мавжуд маҳаллий маданиятнинг юксаклиги, фалсафий илмларни эгаллашга бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг кучайиши натижасида юзага келган сиёсий-ақидавий оқимларга қарши ғоявий кураш заруратининг юзага келиши, хукмрон тузумнинг маърифатчилик ва бағрикенглик сиёсати, иккинчи томондан, ислом дини ва унинг моҳиятини англашда рационал-эмоционал билиш услубининг такомиллашуви тасаввуфий-фалсафий таълимотларнинг шаклланишига омил бўлди.

VIII аср охири – IX аср бошларида минтақада вужудга кела бошлаган бу таълимотларнинг ўзига хос ҳусусияти шунда эдики, тасаввуф намояндалари турли фалсафий оқимларнинг ғояларига қарши ҳанафий мазҳаби анъаналарига мустаҳкам суюнган ҳолда ўз таълимотларини шакллантирдилар ва бу жараён кейинги сўфийлик мактаблари ўз ғоялари йўналишларини белгилашида асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу тасаввуфий-фалсафий ғоялар ва таълимотлар таъсирида инсонларнинг тафаккури,

дунёқараси, эътиқод тарзи ва Оллоҳга боғланиш усуллари тақомиллашиб, исломий негизларга боғланиши мустаҳкамланди. Шундай экан Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларни манбалар асосида тадқиқ этиш, моҳиятини очиб бериш борасидаги тадқиқотларни ривожлантириш орқали жамиятимиз маънавий-маданий тараққиётини янги босқичга кўтариш мумкин бўлади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Eraydin Selçük. Tesevvuf ve tarikatlar. – Istanbul: Marmara üniversitesi İlahiyat fakültesi vakfi yayinlari. 1994. –S. 25.
2. Eraydin Selçük. Tesevvuf ve tarikatlar. – Istanbul: Marmara üniversitesi İlahiyat fakültesi vakfi yayinlari. 1994. –S. 26.
3. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 24.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2016. – Б. 35.
5. Altıntaş Hayrani. Tasavvuf tarihi. – Ankara, Ankara üniversitesi ilahiyat fakültesi yayinlari, 1986. –S. 8-9.
6. Қаранг: Бухоро давлат университети илмий ахбороти 2019/1 (73). – Б. 217
7. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr” 2020. – Б. 16.
8. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr” 2020. – Б. 16.
9. Usmon Turar. Tasavvuf tarixi. – Toshkent: “Istiqlol”, 1999. – В.23.
10. Тримингэм Д.Ж. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф.Акимушкина. – М.: ИД «Гелиос» 2002. – С. 27.
11. Reynold A. Nicholson. İslam süfleri(The mystics of islam). –Ankara: Kültür bakanlığı, 1978. –S. 58-60
12. Қаранг: Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 39.
13. Раззоқов F, Раҳимов К. Ҳожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: “O’zbekiston” 2020. – Б. 31.
14. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr” 2020. – Б. 15-16.

15. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr” 2020. – Б. 15-16.
16. Абдуҳалимов Б.А. “Байт ал-ҳикма” ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). Масъул мухаррир М.М.Хайруллаев. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2010. – Б. 11.
17. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб (қадимий ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Тошкент: “Ўзбекистон” –Б.193.
18. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература.– Москва: Наука, 1965. – С.207-208.
19. Суламий Абу Абдураҳмон. Тасаввуф ва унинг ҳакиқати ҳақида муқаддима. Таржимон ва изоҳлар муаллифи Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2020. –Б.53.
20. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б.27.
21. Ал-Ансоб –Б.97.
22. Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б.43.
23. Ал-Ансоб –Б.20.
24. Mukhamadqodirovich R. A. The role of mass media in the history of the period of independence //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 356-359.
25. Pulatova N. Ethnoecological Culture Of The Uzbek People Today And Pedagogical Aspects Of Its Formation In Students //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 485-490.
26. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). THE PHILOSOPHICAL BASIS FOR THE FORMATION OF SPIRITUAL MATURITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
27. Khakimov, N. H., & Ganiyev, B. S. (2019). THE ROLE OF STUDYING THE STRATEGY OF ACTION IN CHOOSING A PROFESSIONAL DIRECTION (TAKING INTO ACCOUNT THE FORMATION OF ENTREPRENEURIAL QUALITIES) IN STUDENTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 296-303.
28. Sayitkhonov A. THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF YOUTH TO ENTREPRENEURSHIP //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 38-41.

29. Asadullaeva N. Pedagogical Factors Of Formation Of Active Life Position Among Young Generation //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 01. – C. 576-584.

30. Azamjonovich, I. I. (2021). The death penalty for a crime and its philosophical and legal aspects. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1376-1381.

31. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF THE FUNCTION OF STABILIZATION AND DEVELOPMENT OF SOCIETY IN SCIENTIFIC MANAGEMENT (AS SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGY). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.

32. Rakhmonov, G. A. (2021). The History Of Water Resources Modernization Processes In The Ferghana Valley. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(12), 77-81.

33. Evatov, S. (2020). THE EXPRESSION OF THE IDEAS OF ASCETIC THINKING AND ALTRUISM IN CENTRAL ASIAN MYSTICISM. *InterConf*.

34. Evatov, S. (2019). ABOUT THE SYNTHESIS OF IBN SINA'S PHILOSOPHICAL TEACHINGS WITH MYSTICISM AND ARISTOTELISM. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 174-179.

35. Boltaboyev M. HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSITIONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – C. 668-671.